Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № № 78 (9064). • 1987 йил 23 апрель • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан—коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, олға!

(КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил 1 Май Чақириқларидан).

МОСКВА. 1987 йил 22 апрель. Кремлнинг Съездлар саройи. В. И. Ленин туғилган кунининг 117 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш.

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Бундан 70 йил муқаддам, апрель кунларида В. И. Ленин Россияни социалистик асосда янгилаш йўлини эълон қилган эди. Апрель тезислари ўша кунларнинг шиори — халқ оммасини капитализмга ҳужум қилишга етаклаган шиор бўлиб қолган эди. Ишчи ва деҳқонлар революцияси амалга оширилди, большевиклар шундай революция зарурлиги тўғрисида ҳамиша айтиб келишарди.

Бу революция бизнинг ҳозирги ишларимиз ва юмушларимизда давом этмоқда. Октябрь йўлбошчиси бугун ҳам биз билан бирга. Қайта қуришнинг кучайиб бораётган одими партия ва мамлакат турмушида ленинча революцион руҳни, ишда ленинча услубни тобора кўпроқ қарор топтирмоқда.

Совет кишилари Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 117 йиллигини партиянинг жадаллаштириш, жамият турмушини ҳар томонлама янгилаш йўлини амалга ошириш учун кураш авж олиб кетган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. 22 апрель куни Кремлнинг Съездлар саройида шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу ерда Москва шаҳри ва областининг ишлаб чиқариш илғорлари, КПСС ветеранлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари йиғилдилар. Чет эллик дипломатлар, хорижий меҳмонлар ҳозир бўлишди.

Соат 17. Тантанали йиғилиш қатнашчилари **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, С. Л. Соколов, Н. В. Тализин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добрынин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан табриклаб, кутиб оладилар.

Президиумда Ирландия Коммунистик партиясининг Миллий раиси М. О' Риордан, Тунис Коммунистик партиясининг биринчи секретари М. Хармель ҳам ўтиришибди.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетларининг секретарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам шу ерда.

Тантанали йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **Б. Н. Ельцин** очди.

Кремлнинг Съездлар саройи гумбазлари остида Совет Иттифоқи Гимни тантанавор янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков** «Ленинизм — қайта қуриш назарияси ва сиёсатининг негизи» мавзуида доклад қилди.

Доклад зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари ўринларидан туриб баланд руҳ билан «Интернационални» куйлайдилар.

Сўнгра катта байрам концерти бўлди.

(ТАСС).

ЛЕНИНИЗМ—ҚАЙТА ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА СИЁСАТИНИНГ НЕГИЗИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 117 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда ўртоқ Н. И. РИЖКОВ доклади

Ўртоқлар!

Улуғ Ленин туғилган кунининг бу йилги санасини биз ўз моҳиятига кўра революцион даврда нишонламоқдамиз, Владимир Ильич сўзлари билан айтганда, бу даврда миллионларча ва ўн миллионларча кишилар ҳар ҳафтада одатдаги мудроқ ҳаётнинг бир йилида ўрганганидан кўра кўпроқ нарсани ўрганадилар. Бу — режаларига кўра дадил, қўламлари жиҳатидан улуғвор бўлган, ленинизмнинг революцион руҳи билан суғорилган ўзгартирувчилик ишларини авж олдириб юборган, партия билан халқнинг ғоят зўр кучи, айниқса, яққол намоён бўлаётган даврдир.

Ленин ижодий тафаккурининг теранлиги ва довюраклиги, унинг социал-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан таҳлил этиш маҳорати, унинг ташкилотчилик санъати, ишчилар синфи манфаатларига чексиз содиқлиги — ана шуларнинг ҳаммасини партия ҳозир стратегик планлар ва қарорларда амалда рўёбга чиқармоқда. Булар мамлакат бутун турмушини тубдан ўзгартиришга, сифат жиҳатидан янгилашга, тараққиётимизнинг янги тарихий босқичида Улуғ Октябрь ишини давом эттиришга қаратилган.

Қайта қуришдаги ҳар бир қадам ишларни Ленин васиятларига қиёслаб олиш, жамият муттасил ҳаракатининг диалектикасини акс эттирувчи Ленин таълимотининг бутун бойлигига мурожаат этиш нақадар муҳим эканлигига ишонч ҳосил қилдирмоқда.

Ленин санаси — революцион календардаги ҳам байрам, ҳам мажбурият юкловчи санадир. Бу сана ривожланишимизнинг боришини белгилаётган сиёсий жиҳатдан муҳим бўлган бошқа воқеаларга тўғри келиб қолган бугунги кунда, айниқса, зиммага мажбурият юклаётган санадир. Социализмнинг шонли юбилейи — Октябрь революциясининг 70 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Партия, бутун мамлакат ҳаётидаги бурилиш воқеаси — Марказий Комитет апрель Пленуми бўлиб ўтган кунга икки йил тўлмоқда. Биз программавий ғоялар, ҳақиқат сабоқларини берган тарихий XXVII съезддан кейин ишлаётганимизга бир йил бўлди ва ниҳоят, ҳозир Марказий Комитет январь Пленумининг олисни кўзловчи қарорлари партия, давлат, халқнинг фаолияти учун янги уфқлар очиб берди. Бу Пленум бизни қайта қуриш назарияси ва сиёсати билан қуроллантирди, съезд йўлини социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантириш асосида амалий ишлар жабҳасига кўчирди.

Хуллас, мана шу тантанали кунда босиб ўтилган йўлга назар ташлаш ва Ленин шундай ҳолларда талаб этганидек диққат-эътиборни олдимизда турган вазифаларга қаратиш зарурати бор.

Революцион янгиланишнинг ленинча стратегияси

Ўртоқлар! Жамиятимиздаги чуқур қайта қуриш ўзининг янгилаш аҳамияти жиҳатидан партия, ғоят кенг халқ оммаси Ленин раҳбарлигида социалистик қурилишни бошлаб юборган ўша даврдаги революцион ўзгартишлар билан баробардир.

Ўшанда Ленин Россия большевикларига «тамомила янги иш қилишга тўғри келишини» айтган эди. Ана шу сўзлар айтилган пайтдан буён орадан неча ўн йиллар вақт ўтди. Социализм бизнинг воқелигимиз бўлиб қолди. У меҳнат аҳлини улуғлади, унинг фаровонлигини юксалтирди, унинг социал жиҳатдан ҳимояланишини таъминлади, эртанги кунга ишонч бағишлади. Социализм Ватанимизни ғоят катта иқтисодий, илмий-техникавий потенциалга эга бўлган қудратли давлатга, маданияти илғор мамлакатга, юксак даражада маълумотли жамиятга, халқларнинг бузилмас қардошлик иттифоқига айлантирди.

Кўп нарсага эришилди, ғоят катта тажриба орттирилди. Бироқ олға томон қўйилаётган ҳар бир қадам аввалгидек ҳозир ҳам «тамомила янги иш» бўлиб қолмоқда. Бу иш шу қадар янгики, иш формалари ва методларини, тактик шиорларни, талаб этилганида эса стратегик йўл-йўриқларни ҳам муттасил такомиллаштириб ва янгилаб турган тақдирдагина белгиланган йўлдан олға бориш мумкин.

Тарих сабоғи шундай, Ленин шундай таълим берган эди. Унинг ўзи партия сиёсатини кескин буриб юбориб, уни турмушнинг ўзгарган талаблари даражасига кўтариб, қатъий ҳаракатларнинг жуда ажойиб намуналарини кўрсатган эди. 1985 йилнинг апрелида КПСС, Марказий Комитет Лениннинг айни мана шу намунасига амал қилдилар. Ўшанда мамлакат тақдири учун ҳал қилувчи бўлган социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўлига ўтиб олинди.

Апрель Пленумида ўз характери жиҳатидан революцион бўлган янги стратегик мақсадлар ўртага қўйилди. Шу мақсадларга эришиш учун жамият турмушининг барча томонларини ўзгартириш соҳасида тинимсиз ишлаш, уларни ортиб бораётган ишлаб чиқарувчи кучларга, халқнинг моддий ва маънавий талабэҳтиёжларига қайта-қайта мувофиқлаштириш зарур. Пленум партия билан бутун мамлакатни доимий изланишга йўналтирди, бундай изланиш биз ақидаларнинг биридан халос бўлиб, бошқа бир ақидаларга асир бўлиб қолишимиз мумкин бўлган аҳволга барҳам бериши керак эди.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. Горбачевнинг В. Ярузельский билан учрашуви

21 апрель куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

М. С. Горбачев социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга, жамиятни қайта қуриш ва демократлаштиришга қаратилган КПССнинг йўли қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида ахборот берди. Меҳнаткашларнинг кенг табақалари мана шу йўлни рўёбга чиқаришга киришмоқдалар, улар ўз социалистик ватанини янада юксалтириш, совет халқи турмушини сифат жиҳатидан яхшилашга бўлган орзу-умидларини мана шу йўл билан боғламоқдалар.

В. Ярузельский Польша жамоатчилиги СССРда қайта қуришнинг боришини астойдил манфаатдорлик ва диққат-эътибор билан кузатиб турганлигини, социалистик янгиланиш сиёсатини рўёбга чиқаришда Польша учун ҳам илҳомбахш намуна бўлган мана шу тарихий ишларда ўзларининг Совет Иттифоқидаги дўстларига муваффақият тилаётганлигини айтди.

В. Ярузельский ПБИПнинг танглик оқибатларини бартараф этишга қаратилган куч-ғайратлари тўғрисида гапириб, саноатда ва қишлоқ хўжалигида, ижтимоий-сиёсий вазиятда рўй берган силжишлар ва ҳали ҳал этилмаган масалаларга тўхталиб ўтди. Кейинги йилларда илк бор ПБИП сафлари, энг аввало ишчилар синфи вакиллари ҳисобига ўсганлиги сезилди. Шу билан бирга ички, шунингдек ташқи соҳадаги анчагина қийинчиликларни бартараф этиш керак. Гарчи Ғарб Польшага куч ишлатиш йўли билан таъсир ўтказиш истиқболсиз эканлигига ишонч ҳосил қилган бўлса-да, унга нисбатан турли камситувчи чора-тадбирлар қўлланишни давом эттирмоқда.

М. С. Горбачев Польша ҳаётидаги ижобий ўзгаришлардан мамнуният изҳор қилиб, поляк коммунистларига, қардош поляк халқига мамлакат олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишларини, Польша диёрида социализмни мустаҳкамлашларини тилади.

Экономикада ва ижтимоий фаолиятнинг бошқа соҳаларида Совет-Польша ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Иккала қардош партия раҳбарлари СССР ва Польша қардош халқларининг ўзаро маънавий бойиши учун идеология, илм-фан ва маданият соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида қабул қилинган декларация катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Халқаро сиёсатнинг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари коллектив бўлиб ишлаб чиққан ва ҳар бир қардош мамлакатда актив амалга оширилаётган йўлни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Вужудга келтирилган имкониятни рўёбга чиқариш ва Европани ядро қуролидан халос этиш муҳимлиги таъкидланди. Бу эса қитъада воқеаларнинг боришида — тинчликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида туб бурилиш бошланганлигини билдирган бўлур эди.

Пировардида В. Ярузельский бундай деди: поляк коммунистлари ана шу визит муносабати билан улар совет коммунистлари билан баҳамжиҳат меҳнат қилаётганликларини, ҳар иккала халқ манфаатларини кўзлаб, муштарак ишни амалга ошираётганликларини таъкидлашни истар эдилар.

М. С. Горбачев КПСС польшалик ўртоқлар билан ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш, социалистик Польша билан дўстликни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам барча ишларни қилаверади, деди.

Учрашув самимийлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. **(ТАСС).**



Суҳбат пайти. **(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).**

ХАЛҚ ХОТИРАСИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Совет кишилари ўзларининг ҳамма ишлари ва зафарларини Коммунистик партия билан дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси — Владимир Ильич Лениннинг мангу барҳаёт таълимотига мувофиқ олиб бормоқдалар. Одамларнинг порлоқ келажаги, озодлиги ва бахт — саодати йўлини кўрсатиб берган йўлбошчига барча мамлакатларнинг пролетарлари бениҳоя зўр ҳурмат бажо келтирмоқдалар.

В. И. Ленин туғилган кунининг 117 йиллиги куни —22 апрелда Тошкентдаги намойишлар хиёбони гавжум бўлди. Одамлар доҳий мутафаккир хотирасини ҳурмат билан эсга олиш учун бу ерга келдилар. Тантанали қуйлар остида В. И. Ленин ҳайкали пойига гулдасталар қўйилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий кенгашидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетидан, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, партия, уруш ва меҳнат ветеранларидан, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетидан, кўпдан-кўп завод ва фабрикаларнинг, ташкилотлар, муассасалар ва ўқув юртларининг коллективларидан гуллар қўйилади.

Гул қуйиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар И. Б. Усмонхўжаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, П. В. Догонкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, В. И. Огарок, Н. И. Попов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Х. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар. **(ЎзТАГ).**

ЛЕНИНИЗМ — ҚАЙТА ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА СИЁСАТИНИНГ НЕГИЗИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Партия жамиятимизда мавжуд бўлган турғунлик тенденцияларига, ленинча принциплардан чекинишларга қатъий баҳо берди. М. С. Горбачев таъкидлаганидек, партия «салбий жараёнларнинг сабабларини тушуниб олиш ва ҳаракатимизни жадаллаштирадиган, хатоларнинг такрорланмаслиги кафолатини берадиган, олга ва фақат олга бориб, социализмга узвий равишда хос бўлган, ўзинизўзи доимий мукаммаллаштириш қобилиятини амалда исботлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга» азму-қарор берганлигини кўрсатди.

Қайта қуриш бошлганига икки йил бўлди. Биз аввало, ижтимоий муҳитдаги ўзгаришларни қайта қуришнинг дастлабки натижалари, деб биламиз. Руҳсизлик, бефарқлик, лоқайдликнинг илдизлари ҳали узил-кесил юлиб ташланмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда асосан қирқилди. Халқ оммаси янгиланишдан иборат ижодий ишга манфаатдорлик билан қўшила бошлади. Меҳнат аҳли ўзини тобора кўпроқ турмушнинг хўжайини, деб билмоқда, ўз давлатининг ҳозирги ва келажаги учун, социализм тақдири учун масъулиятни ҳис этди. Меҳнаткашлар қайта қуришнинг ўзларининг жонажон иши деб, бутун қалби билан астойдил қабул қилдилар.

Ленин комсомоли съездидан яқинда олган таассурот остида бўлганимиз туфайли совет ёшлари ғайратшижоатининг жўш урганлигини қайд этиб ўтиш, айниқса, қувончлидир. Улар бизнинг ўзгартирувчилик ишимизга ёшларга хос завқшавқ ва ғайрат-шижоат бағишламоқдалар, XXI аср йўлида бизни кутаётган энг катта, энг масъулиятли ишларни ўз зиммаларига олишга тайёр туришек фидокорлик кўрсатмоқдалар. Улар, ёшлар партия бошлаган қайта қуриш ишини давом эттиришлари керак.

Хуллас, қайта қуриш жамият кенг қатламларига тобора чуқур кириб бормоқда.

Шу муносабат билан қуйидагиларни эсга олиш ўринлидир. Ленин 1918 йилнинг январида Советларнинг III съездида Совет ҳокимияти ҳозирдаёқ қандай самаралар берганлиги тўғрисида гапириб, бундай деган эди: «Меҳнаткаш халқнинг энг ички ва ички ва ички ички ички

ЛЕНИНИЗМ — ҚАЙТА ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА СИЁСАТИНИНГ НЕГИЗИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Экономикада демократиялаштириш социалистик мусобақанинг сифат жиҳатдан янги ғоят муҳим формаси бўлган иқтисодий мусобақани ўртага қўймоқда. Бу корхоналарнинг энг кам маблағ сарфлаб, халқ хўжалигига зарур маҳсулот ишлаб чиқариш учун, шу асосда меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ва социал мавқеини, уларнинг ривожланиш истиқболларини бутунлай белгилаб берадиган миқдорда даромад олиш учун беллашуви, курашидир. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш эндиликда айни шундай шароит яратмоқда. Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг бутун лойиҳаси иқтисодий мусобақа ғояси билан суғорилгандир.

Қонун бошқарув бўлажак яхлит системасининг асоси бўлиб қолади. Олдинда бошқа мураккаб вазифаларни ҳал этиш турибди. Тармоқ ва регионал бошқарув структурасини, халқ хўжалиги комплекси ҳар бир бўғинининг роли ва ўрнини белгилаб бериш керак. Бу ўзгаришлар давлат корхонаси тўғрисидаги Қонуннинг асосий қоидалари доирасида амалга оширилади. Шубҳасиз, СССР Министрлар Советининг ишини такомиллаштириш соҳасида ҳам тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг актив тайёргарлик олиб борилаётган навбатдаги Пленумида экономикани бошқаришни сифат жиҳатдан қайта қуриш йўллари кўриб чиқилади.

Бошқарув яхлит системасининг барча жиҳатларини пишиқтириш маълум муддатни талаб қилиши тушунарлидир. Қийинчиликлар, эҳтимол, вақтинча муваффақиятсизликлар бўлиши мумкин, чунки эскирган ва ўз умрини ўтаб бўлган иш усуллари илғор нарсаларга, янгиликка тўсқинлик қилади. Дадиллик ва қатъият билан, муваффақиятга ишонч билан ҳаракат қилиш керак. Қайта қуриш ўзининг туб манфаатларига мос эканлигига амин бўлган халқимиз уни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаётганлиги бунинг гаровидир.

Мамлакатда содир бўлаётган ишлаб чиқариш кучларининг тубдан ўзгараётганлиги, ишлаб чиқариш мақсадларини такомиллашаётганлиги, улар ўзининг революцион кўлами, масалаларнинг дадил ўртага қўйилиши жиҳатидан турмушнинг реал талабларига мувофиқлаштирилаётганлиги янги иқтисодий сиёсат (НЭП) сари ленинча бурилишга ўхшащдир. Ҳозирги қайта қуришни янги иқтисодий сиёсат билан айнан бир хил, деб бўлмайди, албатта. Янги иқтисодий сиёсат капитализмдан социализмга ўтиш даврининг сиёсати эди.

Шу билан бирга товар — пул муносабатлари, хўжалик ҳисобидан фойдаланиш, коллектив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тўғрисидаги кўпгина ленинча қоидалар ўз кучини сақлаб қолади. Ҳаёт бу қоидаларни узоқ вақт қўлланиш мумкинлигини ва бу эса социализм ғалабаларидан асло чекиниш эмаслигини кўрсатди. Айнан шунинг учун ҳам партиямиз янги хўжалик вазиятида ленинча ғояларни ижодий ривожлантириб, уларни қайта қуришга хизмат қилдирмоқда.

Ўртоқлар! Қайта қуришнинг муваффақиятини оммани илҳомлантира оладиган ва бошлаб бора оладиган эътиқодли, ишбилармон кишилар белгилайдилар. Бу эса кадрлар билан олиб бориладиган сиёсий, тарбиявий, ташкилотчилик ишларининг ғоят муҳимлигидан яна бир бор далолат беради. Ўн йиллар давомида кўникиб қолган одатлардан воз кечиш, йўл-йўлакай ўрганиш, иш усулларини ўзгартиришга тўғри келаётган ҳозирги пайтда, ҳар қандай вазиятни, ҳатто энг мураккаб вазиятни ҳам вазминлик билан таҳлил қила билиш, қарорларнинг янгилигидан чўчимаслик, ўзини йўқотиб қўймаслик, салбий тажрибалардан ҳам ижобий сабоқ чиқара олиш каби хусусиятлар алоҳида қимматга эга бўлади. Бу ларнинг ҳаммаси раҳбарга нисбатан юксак талаблар қўяди. Раҳбар ходим партиявийлик, профессионализм, янгиликни ўткир ҳис этиши, юксак маънавий фазилатлари, давлат юмушлари, коллектив юмушлари билан яшашга доимий эҳтиёж сезиши билан ажралиб туриши керак.

Шу билан бир вақтда қайта қуришни вайсақилик билан алмаштиришга, уни сўз билан кўмиб ташлашга уринувчиларнинг попугини пасайтириб қўйиш ҳам муҳимдир. Ленин огоҳлантирганидек, «бақироқларга ва ғап сотувчиларга эрк бериб қўйиш» мумкин эмас, ...булар «ярқироқ» революционликка учадилар, лекин саботли, ўйлаб кўрилган, салмоқлаб кўрилган революцион ишни, энг қийин ўтиш пайтларини ҳам ҳисобга оладиган революцион ишни уддалай олмайдилар»

Қайта қуриш Москвадаги бошқарув кадрларидан ҳам, марказий идоралардан ҳам, район ташкилотларидан ҳам пухта ўйлаб, ташаббускорлик билан, реал натижалар тўғрисида жон куйдириб ишлашни талаб қилмоқда. Уларнинг ҳаммаси зарур ишларни қилишяпти, уларнинг зиммасидаги масъулият ҳам жуда катта. Шу жумладан, уларнинг ишларида сансалорлик ва бюрократизм бўлмаслиги учун масъулият катта. Шунга қарамай, ана шу мансабпарастлик касали жуда кучли, совет кишилари қоғозбозликдан, беҳуда мажлислардан, олдиндан келишиб олиш ва бошқа бюрократик уймалашишлардан ҳақли равишда ғазабга келмоқдалар. Биз бюрократизмга қарши энг қатъий ва муросасиз ҳужумни бошлаб юбордик.

Ҳозир камчиликларга қарши курашда амалий натижалар биз учун жуда қимматлидир, баландпарвозлик билан ғазабланишга нисбатан жуда қимматлидир. Қайта қуришнинг ҳар бир муваффақияти, янгиликнинг ҳар бир куртаги биз учун қадрли. Шу нуқтаи назардан қараганда, қарор топган ошкоралик муҳити ғоят муҳимдир. Ошкоралик салбий ҳодисаларга қарши курашда бизнинг содиқ ёрдамчимизгина бўлиб қолмайди, ижобий тажрибаларни қўллаб-қувватлашда, уларни пропаганда қилиш ва оммалаштиришда ошкораликнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Танқид қуролини ҳам йўқотиб қўйишга йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Аксинча, уни такомиллаштириш, ўткирлаштириш керак. Танқид қила билиш ва танқидни тўғри қабул қилиш — социализм сиёсий маданиятининг, демократия шароитида инсоний муносабатлар маданиятининг зарур элементидир. Танқид қилиш ҳуқуқини унга эътироз билдириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан ажратиб бўлмайди. Танқид қилувчилар билан танқид қилинувчилар ўртасида ана шундай тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, ҳақиқий демократия ҳам бўлмайди.

Жамиятимизда ўзгартиришлар учун кураш нақадар кескин тус олмасин, бу кураш соғлом, ўртоқларча муҳитда олиб борилмоқда. Барча совет кишилари туб манфаатларининг муштараклиги билан, Ватанимизни гуллаб яшнатишга, социализмнинг бунёдкорлик қудратини тўла намоён этишга интилишлари билан жипслашгандирлар. Улар бугунги кунда КПСС Марказий Комитетининг Октябрь 70 йиллиги муносабати билан халққа қилган мурожаатномасида жавобан белгиланган барча ишларни бажариш, социалистик революциянинг буюк ишини, Ленининг ўлмас ишини муносиб давом эттириш учун ўз ақл-идроклари, иродаларини ва куч-ғайратларини яхлит қилиб бирлаштирмоқдалар.

Халқаро муносабатларни қайта қуриш — даврнинг қатъий талаби

Ўртоқлар! Ленинизм ҳозирги даврда халқаро турмушни тушуниб етишимизнинг назарий асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Ленин уруш ва тинчлик проблемаларига қарашларнинг илмий системасини яратди, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш концепциясини ишлаб чиқди. Ташқи сиёсатимизнинг ленинча принциплари тарих практикасида қаттиқ синовдан ўтди. Бу принциплар ҳозир ҳам Совет давлати халқаро муносабатларни тубдан қайта қуриш учун олиб бораётган курашга амалий хизмат қилмоқда. Бу курашда биз зиддиятлар ва можароларга тўла, лекин ўзаро боғлиқ бўлган, яхлит ҳозирги дунёнинг реаллигини акс эттирувчи янгича сиёсий тафаккурга асосланмоқдамиз.

Лениннинг тинчлик тўғрисидаги декрети билан партия XXVII съезди олға сурган халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси асослари ўртасида деярли 70 йил вақт ўтди. Лекин бу ҳужжатлар моҳияти ва руҳи жиҳатидан бир-бирига нақадар яқин. Иккала ҳужжат ҳам инсониятни уруш даҳшатлари ва унинг оқибатларидан халос этиш эҳтиросли ғояси билан йўғрилган. Иккаласи ҳам инсоннинг олий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини, халқларнинг тинч ривожланиш ҳуқуқини қарор топтиради.

Мустаҳкам тинчликни таъминлаш Коммунистик партия ва Совет давлатининг социалистик тузумимиз табиатидан келиб чиқадиган ташқи сиёсий фаолиятининг олий мақсади бўлиб қолмоқда. В. И. Ленин таъкидлаганидек, «Урушларнинг тугаши, халқлар ўртасида тинчлик ўрнатилиши, талашлар ва зўравонликларнинг тўхтатилиши — худди шулар бизнинг идеалларимиздир...» Бу идеалда коммунистик идеологиянинг инсонпарварлиги, унинг маънавий қадриятлари мужассамлашади. Ядро-космик асри реаллиқлари бу идеалга сифат жиҳатдан янги аҳамият бағишлайди. Урушларсиз, халқаро турмушнинг ҳар бир соҳасида — ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда зўравонликсиз, хавфсиз дунё мақсадга айланади.

Бизнинг дунёни фалсафий жиҳатдан янгича тушунишимиз шунга асосланадики, ҳозирги асрда хавфсизлик ядро қуроли билан қўрқитиш ёки куч ишлатиш сиёсатининг бошқа турлари асосига қурилиши мумкин эмас. Бундай сиёсат инсониятни қирилиб кетиш доимий хавфи остида қолдиради, уни келажакка ишончдан маҳрум қилади. Шу сабабли ҳозир ядро фалокати хавфига қарши, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш учун курашдан бошқа муҳимроқ вазифа йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1986 йилнинг бошида олға сурган шу аср охирига қадар оммавий қирғин қуролларини тўла тугатишнинг кенг қамровли программаси мана шу оламшумул вазифага мос келади. Кўлами ва аҳамияти жиҳатидан тарихий бу ҳужжат Рейкьявикдаги Совет — Америка учрашувида СССР таклифларида янада ривожлантирилди. У ерда ядро қуролидан ҳоли дунёнинг бўлиши принцип жиҳатидан мумкинлиги биринчи марта намойиш қилинди. Лекин, маълумки, Америка маъмурияти бу йўлда амалий тадбирларга ўтишни тўсиб қўйди.

Европада ўртача олислик Совет ва Америка ракеталарини тугатиш тўғрисида дарҳол алоҳида битим тузиш ҳақидаги совет ташаббуси яна ўзаро мақбул ахдномаларга эришиш учун йўл очди. Биз боши берк кўчадан чиқиб олиш учун айни бир пайтда оператив-тактик мақсадларга мўлжалланган ракеталар юзасидан битимга келишни, Европада ана шу классдаги ўз ракеталаримизни қисқа муддат ичида тўла тугатишни таклиф этмоқдамиз. Аммо, бу, ўз-ўзидан равшанки, АҚШнинг қурол-яроғларни кўпайтиришини истисно этади. Биз жанг майдонларида ишлатиладиган тактик ракеталарни тугатишга ҳам тайёрмиз.

Совет Иттифоқи химиявий қурол ишлаб чиқаришни тўхтатиб, бундай қуроллари ҳамма жойда ва тўла тақиқлаш ҳамда унинг запасларини йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги музокаралар тезроқ тугалланишига кўмаклашмоқда. Европада Қуролли Кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги таклиф ҳам ўз кучида турибди. СССР Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда қуролсизланиш масалалари юзасидан бўлажак битимлар контрол қилишнинг жойларда инспекция ўтказишни ўз ичига оладиган қаттиқ ва самарали системасини кўзда тутиши учун қурашмоқда.

Совет раҳбарлари Рейкьявик «мажмуа»сидан ўртача олислик ракеталари тўғрисидаги масалани ажратиб олиш аввалгидек ҳозир ҳам стратегия қуролларини кўпроқ миқдорда қисқартириш, сўнгра эса уларни тугатиш тўғрисида битимга эришишга алоҳида аҳамият бермоқдалар, бу ракетага қарши мудофаа шартномасига риоя этиш мажбурияти билан узвий боғлиқ бўлиши керак, албатта.

Совет ташаббуслари бир томонлама наф кўришга мўлжалланган, деб бизни айблашга ҳеч ким қақли эмас. Биз Ғарбдаги музокарадошларимизнинг қонуний манфаатларини ҳам эътиборга оляпмиз, чунки манфаатлар баравар ҳисобга олинмаса олға силжиб бўлмаслигини, мустаҳкам битим тузиб бўлмаслигини биламиз. Шу сабабли биз ўз навбатида музокарадошларимизнинг ҳам ана шундай йўл тутишларига умид қилишга ҳамма асосларимиз бор.

Совет Иттифоқи ҳеч қачон мамлакатимизнинг, иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигига путур етказадиган даражада ён бермайди. Биз инсоният тақдирини хавф остида қолдирадиган бундай қадамни ҳеч қачон қўймаймиз.

Дунёда уруш хавфи сақланиб турар экан, биз шонли Қуролли Кучларимизни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверамиз. КПСС Марказий Комитети ўзинини халққа Мурожаатномасида Коммунистик партия ва Совет давлати «Мамлакатимизнинг, социалистик ҳамдўстликнинг мудофаа қудратини тегишли даражада сақлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилаверади. Совет кишилари шунга амин бўлсинларки, биз ҳеч қачон, ҳеч бир вазиятда империализмнинг ҳарбий жиҳатдан устун бўлишига йўл қўймаймиз», деб бутун масъулият билан таъкидлади.

Янгича сиёсий тафаккур, ташқи сиёсатимизнинг жўшқинлиги ва ошкоралиги, инсониятнинг омон қолиши манфаатларини кўзлаб, долзарб проблемаларни ҳал этиш йўлларини излаш бутун дунёда тобора кўпроқ тушуниб кутиб олинмоқда. Чет эл жамоатчилигининг ғоят кенг доиралари, шу жумладан, социализмдан узоқ бўлган доираларга Совет Иттифоқининг халқаро муносабатларни соғломлаштиришга қаратилган йўли билан совет жамияти турмушининг ҳамма томонларини қайта қуриш, уни демократиялаштириш, ошкоралик йўли ўртасидаги боғлиқлик маъқул келмоқда. Сиёсий мухолифларимизга «ёпиқ социалистик жамият», «социализмнинг экспансияга интилиши» тўғрисидаги вайсақиликдан иборат уйдирмаларни ўтказишлари тобора қийин бўлиб бормоқда.

Аср реалликлари ҳамма давлатларни биргаликда яшашни ва ўз хавфсизлиги проблемаларини биргаликда ҳал этишни ўрганиш зарурати олдига келтириб қўйди. Бундай шароитда Совет Иттифоқи халқаро ишларда ишончли мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашаверади. Бу ўринда ўзаро намуна кўрсатиш йўли билан олға томон ҳаракат қилиш осонроқдир. Биз бунга тайёр бўлибгина қолмай, шу билан бирга ишончли тарзда ва фаол ҳаракат қилаётганлигимизни жаҳон кўриб турибди.

Биз коммунистик идеаллар тантанасига қаттиқ ишонамиз. Социализмни зўрлаб ўрнатишга интилиш бизнинг дунёқарашимизга ётдир. Агар ўтган етмиш йил ичида социализм жаҳон реаллиги бўлиб қолган экан, бу — объектив ижтимоий қонунлар таъсирининг натижасидир. Биз идеологик келишмовчиликларни тарих ҳал қилиб бериши, халқлар ўз социал ва сиёсий тараққиёт йўлларини ўзлари танлаб олишлари тарафдоримиз.

Тинчлик ва социал тараққиёт тақдири жаҳон социализм системасининг ривожланиши билан, Совет Иттифоқи қардош мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиши билан, бизнинг бирлигимиз ва жипслигимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Социалистик давлатларнинг ўзаро ҳаракатларини чуқурлаштиришни КПСС ўз халқаро фаолиятининг устун йўналиши, деб ҳисоблайди. Ички ва ташқи сиёсатимиздаги ҳамма янгиликлар барча социализм мамлакатларининг манфаатларига, планетадаги барча демократик кучларнинг, бутун инсониятнинг манфаатларига тўла мос келиши учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Ўртоқлар! Бизнинг ташқи иқтисодий алоқаларга ёндашувимизни дунёни янгича идрок этиш, унинг хилма-хиллиги, зиддиятлилиги ва шу билан бирга умумийлигини тушунишимиз белгилаб беради.

Ҳозирги дунё экономикаси ранг-барангдир. Социалистик ва капиталистик ишлаб чиқариш усуллари, кўп укладли хўжаликка эга бўлганривожланаётган давлатлар, қашшоқлик ва бойлик, асрий қолоқлик ва техника тараққиёти — замонамиз реалликлари ана шундайдир.

Жаҳон хўжалигида кураш, баъзан кескин кураш бормоқда. Империалистик кучларнинг ўз ҳукмини ўтказишига қарши кураш бормоқда, янги иқтисодий тартиб — адолатли ва демократик тартиб учун, камситишга ҳар қандай уринишлардан, сиёсий тазйиқ воситаси сифатида иқтисодий алоқалардан фойдаланишдан қатъий воз кечиш учун кураш бормоқда.

Бироқ бошқа нарса ҳам, ҳамма зиддиятлар ва қарама-қаршиликларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти давлатларининг хўжалик жиҳатидан ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётганлиги ҳам равшан. Катта ва кичик бирорта мамлакат ҳам ҳозир илмий ечимларни интенсив алмашламай туриб, халқаро ҳамкорликнинг энг хилма-хил формаларисиз фан-техника революциясининг юксакликларига кўтарила олмайди.

КПСС қайта қуриш йўлини амалга оширар экан, жаҳон меҳнат тақсимотидаги иштирокимизни янада тўлароқ кенгайтириш ниятидадир. Гап, аввало, ташқи иқтисодий алоқаларимизнинг негизи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоладиган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида бормоқда.

Биз жадаллаштиришнинг ички проблемалари социалистик иқтисодий интеграция жўшқинлиги билан узвий боғлиқ эканини кўриб турибмиз. Сўнгги йилларда социалистик иқтисодий интеграция соҳасида ҳал этилмаган проблемалар тўплана бошлади, турғунлик ҳолатлари намоён бўлди, ҳамкорликнинг янги формалари тегишлича оммалашмади. Хўжалик соҳасидаги баҳамжиҳат ҳаракатларни чуқурлаштириш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини такомиллаштиришнинг туб масалалари социалистик мамлакатлар қардош партиялари раҳбарларининг ўтган йил ноябрида Москвада бўлиб ўтган амалий учрашувида ҳар томонлама кўриб чиқилди. Яқдил фикрга кўра, ҳамкорлигимизда комплекс тусдаги ўзгаришлар, унинг форма ва методларини қатъий янгилаш зарур. Ҳозир интеграция механизмининг ҳамма томонларини ўз ичига оладиган йўналишлар бўйича аҳа шундай ишлар авж олдириб юборилди.

Бу ишда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиёти Комплекс программаси белгиловчи роль ўйнаши лозим. Бу программанинг амалга оширилиши социалистик меҳнат тақсимотида қатнашувчи мамлакатлар хўжалигида келтириб чиқарадиган структуравий силжишларнинг чуқурлиги жиҳатидан у мислсиз программа бўлиб, унинг мақсади — фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларида энг юқори даражага эришишдир. Программа ўзининг бутун мазмуни жиҳатидан СМТ тарафдорларининг гўё фан ва техниканинг муваффақиятларини ҳарбий соҳадаги ишланмалардан ажратиб бўлмайди, деган даъволарини рад этади. Социализм бошқа йўлни — қуролланиш пойгаси билан, бу пойгани космоса олиб чиқиш билан боғлиқ бўлмаган тинч йўлни кўрсатиб бермоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар, аввало, социалистик тараққиёт йўлини танлаб олган давлатлар билан ҳамкорлик негизида мустаҳкамланмоқда. Совет Иттифоқи ҳамиша бўлгани каби озодлик ва тараққиёт учун, миллий мустақиллик учун курашаётган халқлар томонидадир. Биз улар билан бирга янги иқтисодий тартиб ўрнатилиши учун, халқаро талончилик ва камситишнинг ҳар қандай формаларига қарши кураш олиб бораяпмиз.

Биз капиталистик мамлакатлар билан интенсив иқтисодий ҳимкорлик қилиш тарафдоримиз. Бу мамлакатларнинг кўпи билан барқарор ўзаро манфаатли амалий алоқалар ўрнатилган. Ташқи иқтисодий фаолиятимизни қайта қуриш бундай ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Биз анъанавий савдо муносабатларини кенгайтириш билан бир қаторда иқтисодий алоқаларнинг — кенг ишлаб чиқариш кооперацияси, қўшма корхоналар ташкил этиш, фан-техника тараққиёти соҳасида биргаликда ҳаракат қилиш каби янги формаларидан фаол фойдаланиш йўлидан бормоқдамиз. Бу йўл ўзаро манфаатли бўлганлиги учун Ғарбнинг савдо-саноат доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ана шу жараён йўлига бизнинг ижтимоий турмушимизнинг принципиал масалалари юзасидан бизга сиёсий тазйиқ ўтказишдан иборат очиқдан-очиқ мақсад билан сунъий ғовлар барпо қилинмаганда эди, бу жараён янада тезроқ борган бўларди.

Капиталистик дунё билан иқтисодий муносабатларимиз фақат ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик принциплари асосига қурилиши мумкин. Бу икки томонлама ҳаракат қилинадиган йўлдир. Бизнинг капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларимизга сиёсий бож солишга ҳар қандай уринишлар бефойда ва беҳудадир. Мамлакатимиз ҳеч қачон бўлмаган принциплари, ўз ғалабалари билан савдо қилмайди! Тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун эса биз ҳамиша тайёрмиз, бундай ҳамкорликни биз тараққиёт ва халқаро вазиятни соғломлаштиришнинг муҳим омили, деб биламиз.

Дунё инсоният омон қолдими ёки йўқми, деган масалага кўндаланг келган ҳозирги шароитда одамларнинг тобора кўпроқ оммаси уруш хавфига қарши, тинчликни сақлаб қолиш учун курашга қўшилмоқда. Коммунистлар, бошқа тараққиёт кучлари ҳамиша бу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

КПСС — жаҳон коммунистик ҳаракатининг ажралмас қисмидир. Унинг бошқа Коммунистик партиялар билан бирдамлиги ҳам ўзгармасдир. Биз айрим масалалар юзасидан қарашларимизда тафовутлар бўлишига қарамай, турли мамлакатлар коммунистлари ўртасида тенг ҳуқуқли, кенг ва фаол алоқалар бўлиши учун, жаҳон тараққиётида халқаро коммунистик ҳаракатнинг ролини ошириш учун курашмоқдамиз. Эксплуататорлик тузумининг ўрнини эгаллайдиган реал тузум сифатида социализмнинг намуна кучини авж олдиришни совет коммунистлари ўзларининг халқаро коммунистик ҳаракатнинг муштарак ишига қўшадиган асосий ҳиссаси, деб биладилар. Революцион қайта қуриш йўлидан самарали ҳаракат қилиш — бугунги кунда бизнинг асосий, ҳам миллий, ҳам интернационал бурчимиздир.

* * *

Ўртоқлар! Ҳаёт ишчилар синфи партияси олдига қандай вазифани қўймасин, Владимир Ильич Ленин ҳамиша уни ҳал этишни социализмнинг туб мақсадлари учун кураш билан узвий боғлиқ қилиб қўяр эди.

Қайта қуриш — барча янгиликларнинг: янги ғоялар, режалар, ғалабаларнинг мужассамлашганидир. Қайта қуриш курашимизни янги, юксак мазмун билан тўлдирди, халқимизга унинг тарихий вазифасига муносиб мақсадни берди. Совет кишилари мамлакатимизнинг келажаги, социализмнинг, бутун жаҳон цивилизациясининг тақдири СССРда бошланган ўзгартишларнинг муваффақиятига боғлиқ эканини тушунадилар. Бугунги кунда партиямиз, халқимиз зиммасига тушган масъулият мана шулар билан белгиланади.

Бизнинг шиоримиз шундай: ҳаракат қилиш керак! Бугунги яхши ҳаёт ва қайта қуришнинг пировард мақсади — жамиятни тубдан янгилаш йўлида ҳаракат қилиш керак.

Ана шу масъулиятни англаб яшаш ва ҳаракат қилиш — ҳар бир коммунистнинг партиявий бурчидир, ҳар бир совет кишисининг ватанпарварлик ва маънавий бурчидир. Тузумимизнинг улкан бунёдкорлик имкониятларини ва афзалликларини очиб бериш — Советлар мамлакати бошидан кечираётган тарих улуғ босқичининг моҳияти ана шундан иборат.

Биз бошлаган революцион ўзгартишлар йўли — ягона тўғри йўлдир. Миллионлаб кишиларнинг иродаси ва меҳнати Ватанимизни иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичига олиб чиқади. Ватанимиз жаҳонда бутун гўзаллик ва инсонпарварлик, социализмнинг бутун улуғворлиги ва жозиба кучини мужассамлаштирган қудратли давлат сифатида дунёда намоён бўлади.

Қайта қуриш Ленин даҳоси билан, ленинча ғалаба қозониш фани билан руҳлантирилган ва у ғалаба қилади.

(Доклад зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

Республика шанбалик штабидан

МЕҲНАТ БАЙРАМИДА НИМАЛАР ҚИЛИНДИ

Республика штабининг 22 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов раислигида ўтган мажлисида Ўзбекистон меҳнатчиларининг Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигидаги иштироки якунланди.

Республика меҳнатчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 117 йиллигини зарбдор иш билан нишонлаганликлари қайд этилди. Шаҳар ва қишлоқларда, завод ва далаларда, шаҳарларни ҳамда қишлоқларни ободонлаштиришда 9 миллион 358 мингдан ортиқ киши меҳнат қилди.

Меҳнат коллективлари тежалган материал ва энергия ресурслари ҳисобига ишлаб, юзлаб электр моторлари, ўнлаб тракторларни, миллион метрдан кўпроқ ип-газлама, бошқа кўпгина маҳсулотларни ҳақ олмай ишлаб чиқардилар. Деҳқонлар катта ҳажмдаги кўкламги дала ишларини бажардилар. Шу куни 14 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Темир йўлларда, автомобиль трассаларида, авиация ёрдамида халқ хўжалигининг юз минглаб тонна юки ташиб берилди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Енгил ва Маҳаллий саноат министрликлари корхоналари энг кўп миқдорда саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар. Шанбалик вақтида саноат корхоналари ҳаммаси бўлиб 44 миллион 475 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. «Қизил шанбалик» вақтида ишлаб чиқарилган ҳамма маҳсулотни сотишдан олинадиган жами фойда 2,4 миллион сўмни ташкил этади.

Ленинча шанбалик қатнашчиларининг шу кунги иши эвазига 7 миллион 650 минг сўм маблағ олинадиган бўлди. Шу маблағ ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

(ЎзТАГ).

КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви самарадорлигини ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Лойиҳаси кенг муҳокама қилинаётган шу кунларда Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университетида «КПСС XXVII съезди — Улуғ Октябрь ғояларининг ижодий давоми» мавзуида илмий-амалий конференция иш бошлади.

Конференцияда хўжалик раҳбарлари, университетни битирувчи курс тингловчилари, партия ва совет ходимлари иштирок этмоқдалар. Турли категориядаги тингловчилар шаҳар хўжалигини тез суръатларда ривожлантириш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, инсон омилини активлаштириш билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғоялари тантанасига эришиш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

Партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, район партия комитетлари ва ижроия комитетларининг инструкторларидан иборат 220 тингловчи бир ҳафта мобайнида КПССнинг қайта қуриш сиёсати ва революцион ўзгартишлар қилиш тадбирларини ўрганадилар.

Н. ЖУРАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий судининг пленуми

1987 йил 21 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий судининг пленуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси С. Йигиталиев доклади юзасидан республика судларининг гражданлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги практикаси масаласи кўриб чиқилди.

Пленум қабул қилган қарорда социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — социалистик умумхалқ давлатчилигини ривожлантириш асосий йўналишининг таркибий қисми, КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари олдига қўйган энг муҳим вазифа эканлиги уқтирилди.

Пленум республика судлари ўтказаётган ижобий ишлар билан бирга ҳали социалистик қонунчиликни бузиш ҳолларига, социал адолат принципи, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш ҳолларига барҳам берилмаганлигини таъкидлади. Тўлатўкис тергов қилинмаган ва бир томонлама тергов қилинган ишлар юзасидан суд мажлисида текшириб чиқилмаган зиддиятли, етарлича тадқиқ этилмаган далиллар, қилинган ишни нотўғри баҳолаш, моддий ва процессуал қонун нормаларини бузиш, айбдорнинг шахси тўғрисидаги ҳамма маълумотларни аниқлаб олмаслик, жазони индивидуаллаштириш принципини бузиш, гражданларни асоссиз қоралаш асосида ҳукм чиқариш фактлари бор.

Кўпгина судларнинг ишида айблашга мойиллик бартараф этилмаган. Катта иҳтимоий хавф-хатари бўлмаган жиноятларни қилган кишиларни, жиноятларнинг иккинчи даражали, ижобий характеристика олган, жамиятдан ажратиб қўймаган ҳолда тузатилиши мумкин бўлган қатнашчиларини ҳаддан зиёд қаттиқ жазолаш ҳоллари кўп.

Пленум олдиндан тергов қилиш даврида гуноҳини бўйнига қўйиш учун айбланувчиларга нисбатан ижозат этилмаган таъсир методларини қўлланиш фактлари аниқланган тақдирда судлар қаттиқ чоралар кўриши кераклигини таъкидлади.

Суд практикасида шундай жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқдаки, улар гражданларнинг меҳнат, уй-жой, мулкий ҳуқуқлари бузилишига олиб келмоқда. Меҳнат интизомини қасддан бузган кишиларнинг ишга тиклаш тўғрисидаги аризалари асоссиз равишда қондирилаётган ҳоллар, шунингдек, меҳнат қонунларини қўпол суратда бузганлиги учун ишдан бўшатилган ишчилар ва хизматчиларнинг аризаларини рад этиш ҳоллари бор.

Гражданларга бошқа уй-жой бермаган ҳолда улар кўчириб юборилганлиги тўғрисида, соғлиққа ёки молмулкка етказилган зарарни қоплаш ҳақида берилган аризаларни кўриб чиқиш практикасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим судлар шу категориядаги ишларни кўриб чиқаётганида мавжуд қонунларга киритилган ўзгаришларни назарда тутмаётир.

Пленум судлардан ҳар қандай гражданлик иши ва жиноий иш ошкоралик шароитида қонунга аниқ амал қилган ва совет социалистик одил судининг бошқа демократик принципларига риоя этилган ҳолда ҳал этилишини назарда тутиб адолат даражасини янада оширишни талаб қилди.

Республика судларининг жиноий ишлар ва гражданлик ишлари юзасидан хусусий ажримлар чиқаришга оид практикаси муҳокама қилинди.

Пленум судларга жиноятлар ва бошқа хил ҳуқуқбузишларга ёрдам берувчи сабаблар ва шароитлар, ишларни олдиндан тергов қилиш ва судда кўриш босқичларида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан хусусий ажрим чиқариш йўли билан, албатта, чора кўриш тўғрисидаги қонунга сўзсиз риоя этишни таъминлаш зарурлигини уқтирди.

Гражданлик ишларини кўриб чиқишда, айниқса гражданларни асоссиз равишда ишдан бўшатиш, уй-жой қонунларини бузиш фактлари, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган, маъмурият ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини тўлашни асоссиз равишда рад этганлик фактларини аниқлаш тўғрисидаги ишлар юзасидан хусусий ажрим чиқаришни кенгроқ практика қилиш кўзда тутилди. Хусусий ажрим чиқаришда юзаки ва хўжакўрсинга қилинадиган ишларга барҳам бериш, ажримлар ижроси юзасидан назоратни кучайтириш керак.

Қабул қилинган қарорларда қонунларни татбиқ этиш юзасидан судларга тегишли тушунтиришлар берилди.

Пленум конкрет ишлар юзасидан тушган протестларни кўриб чиқди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнатда эришган муваффақиятлари, коллективнинг ижтимоий ҳаётида актив қатнашганлиги ҳамда «Гипропишчепром-3» лойиҳа институти Тошкент филиали ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан институт архитектура-қурилиш бўлимининг бош мутахассиси ўртоқ Леонид Степанович **Трофимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвони берди ҳамда институт сантехника бўлимининг бошлиғи Галина Станиславовна **Берзон** ва технология бўлимининг бошлиғи ўртоқ Валентин Мефодьевич **Ратушний** ўртоқларни Ўз

Табиий офат ва жасорат

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ МАХСУС МУХБИРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ВАЗИЯТ ТИЗГИНИ ҚЎЛГА ОЛИНМОҚДА

АНГРЕН дарёси қирғоқларида хавфли вазият сақланиб турибди. Лекин одамлар табиий офатга қарши мардонавор курашишмоқда. Бу борада олмалиқликларнинг жасоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар сув тошқини юз берган дастлабки кундаёқ пискентликларга биринчи бўлиб ёрдамга етиб келдилар.

21 апрель. Соат 9.00. Шаҳар марказий диспетчерлик пунктига жойлардаги вазият ҳақида кетма-кет хабарлар келиб турибди. Биринчи хабар Эйвалик карьеридан олинди: тунда карьерда аҳвол мураккаблашди, оқим кучайиб Олмалиқ ва Октябрь станциялари оралиғидаги сув ювиб кетган темир йўл кўпригининг ёнидан тошқин бўлиши хавфи бор! Қўшимча техника, машина керак! Кўпроқ тош ташиш, дарё қирғоғини мустаҳкамлаш лозим. Акс ҳолда яна сув уриб кетиши мумкин.

— Тушунарли, — деди шаҳар партия комитетининг саноат бўлими мудири Ш. Шоносиров. — Ҳозироқ қўшимча машина ажратилади, ишни сусайтирманглар!

У шу заҳотиёқ тегишли ташкилотлар билан боғланди. Вазият тушунтирилди, тезда чора кўрилди. Сўнг бошқа объектлар билан алоқа ўрнатилди.

Ҳозир беш жойда (тушуниш осон бўлиши учун биз уларни дамбалар деб юритяпмиз) жуда хавфли вазият сақланиб турибди. — деди у. — Кеча кечқурун Оҳангарон районидаги Серго номли, Ворошилов номли совхозларнинг территорияларида ҳам хавф-хатар анча кучайди. Туни билан ана шу хўжаликлардаги дамбалар тош-шағал, темир-бетон билан мустаҳкамланди.

Соат 11.30. Биз офат билан олишув авжга чиққан, оғир ҳолат юз берган ерларга йўл олдик. Марказий трассада ва карьер йўлларида тош, шағал ортган машиналар турнақатор бўлиб ҳаракат қилмоқда. Ҳар кимнинг ўз вазифаси бор.

21 апрель куни Оҳангарон билан Олмалиқ ўртасидаги темир йўл кўпригида ҳам хавфли вазият юзага келди. Тезда чора кўрилмаса сув уриб кетиши мумкин эди. Бу ерга Олмалиқ конметаллургия комбинати директорининг ўринбосари Юрий Поляков бошчилигидаги группа юборилди. Улар зудлик билан ишга киришишди. Кўприк четига тош тўкилди, қирғоқлар мустаҳкамланса-да, кўприкнинг устунларини сув тубидан ўпирилиб кетиши хавфи бор эди. Нима қилиш керак? Ю. Поляковнинг ташаббуси билан кўприк тагига харсанг тошлар ташланди. Ҳайқириб оқаётган дарёнинг тезлиги пасайтирилди. Биз кўприкка етиб борганимизда группа аъзолари шу ерда эдилар.

— Вазият нормаллашди, — деди Ю. Поляков. —Лекин ҳар дақиқада аҳвол ўзгариши мумкин. Шунинг учун мунтазам назорат қилиб турибмиз.

Дарё қирғоқларини мустаҳкамлашда, тошқинни бартараф этишда харсангтошлардан фойдаланилмоқда. Уни Олмалиқнинг Совуқбулоқ карьеридан ташиб келтирмоқдалар. Бу ерда иш кечасию-кундузи давом этяпти. Биз карьерга келганимизда қудратли ЭКГ-5А маркали экскаватор тўхтовсиз машиналарга тош ортар эди.

— Олти кундан буён тиним билмай ишлаяпмиз, — деди карьер мастери Виктор Сухенко. — Йигитларимиз экскаваторни бир дам ҳам тўхтатишмаяпти. Ҳатто овқатни ҳам ишлаб туриб ейишяпти. Айниқса, Рафаэл Шайхутдинов, Юрий Михайлов сингари машинистларимиз, Абдували Искандаров, Наби Исоқов каби машинист ёрдамчилари алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Умуман шу кеча-кундузда Олмалиқдан 200 дан ортиқ МАЗ, КамАЗ, КрАЗ сингари қудратли юк машиналари, 50 дан зиёд бульдозер, скрейпер ва бошқа механизмлар табиий офатни бартараф этишга сафарбар этилган. Ҳайдовчилар машиналарнинг ўзида бир-икки соат мизғиб олиб, дам олмасдан икки-уч смена ишлашяпти. Шаҳардаги барча ташкилотлар табиий офатни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, умумий овқатланиш бошқармаси ходимлари одамларни кечасию-кундузи иссиқ овқат билан таъминлашга алоҳида эътибор беришмоқда.

Биз шаҳар партия комитети биносига қайтиб келганимизда соат 15.00 лар чамаси эди. Шу пайт диспетчерлик пунктига яна бир ташвишли хабар келди. «Олмалиқ» ёрдамчи хўжалиги территориясига жойлашган Олмалиқ шаҳри аҳолисини ичимлик сув билан таъминловчи Сартамғали дамбаси томонга сув тошган. Зудлик билан авария содир бўлган жойга 50 та юк машинаси жўнатилди. Янгитдан дамба қуришга киришилди.

— Вазият соат сайин ўзгариб турибди,— деди Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов. — Шунга қараб иш юритяпмиз. Бутун куч, имконият ишга солинмоқда. Ишчи-хизматчиларимиз қўлларидан келган ҳамма нарсани қиляптилар. Ҳозиргача 6 та хавфли жойдаги вазият нормаллаштирилди.

21 апрель куни Пискент районида аҳвол яна мураккаблашди. Ўжар дарёдан сув тошиши туфайли «Гулистон» колхозининг М. Горький участкасида 40 та уйни сув босди. Дарёнинг ўпирилиш содир бўлган жойига тезда техника етиб келди. Бир неча соатда сув йўли тўсилди. 10 та машина эса янги қурилган Пискент — Тўйтепа кўприги атрофига шағал ташияпти. «Пискент» совхозининг Вахрушев номли 9-бўлими территориясидаги 192 хонадоннинг кўпчилиги бехатар жойларга кўчирилди. Свердлов номли колхознинг Гижиген каналидан ҳам сув тошиш эҳтимоли аниқланди. Бу зонага 10 та КрАЗ машинаси тош-шағал билан йўл олди.

Ҳар куни хавфли районларга қўшимча техника жўнатилмоқда. 21 апрель куни яна 100 та юк машинаси ёрдамга келди. Одамлар табиий офатга қарши мардонавор курашмоқдалар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

904-СЧЁТГА

КОМСОМОЛ-ЕШЛАР, район ва шаҳар комсомол комитетлари фаолиятини марказлаштириш мақсадида Тошкент область комсомол комитети ҳузурида тошқиндан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш бўйича штаб ташкил этилди. Телефон: 33-79-75.

ШТАБДАН илк хабар олинди: Янгийўл шаҳар комсомол комитети болалар учун 200 сўмлик иссиқ кийим ва ўйинчоқлар жўнатди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз 180 сўм, Куйбишев номли колхоз эса 79 сўмни 904-счётга ўтказди.

ОЛМАЛИҚ. Суратда: табиий офатни бартараф этишда жонбозлик кўрсатаётган группа аъзолари.

ҒАЛАБА. Суратларда: дамга келган областимиз машиналар колоннаси ва бир район меҳнаткашларига ёрдамга келган автохўжаликларининг машиногуруҳ ҳайдовчилари.

А. Зуфаров фотолари.

СЕРГАК, МАРДОНАВОР

ҒАЛАБА. (Махсус мухбиримиз хабар қилади). Районда Ангрен дарёсида сув ҳаддан зиёд кўпайган кунлардан буён ҳамма сергак бўлиб турар эди. Энг хатарли жой ҳисобланган Оққўрғон ва Ғалаба районлари чегарасидаги гидроузел атрофи ва 10-коллектор канали қирғоқлари тош, шағаллар билан мустаҳкамланди. Дарё қирғоғининг хавфли зоналарига навбатчилар қўйилди. Аммо бир неча кундан буён ёғаётган кучли сел, жала ўз «кучи»ни кўрсатди. 21 апрелдан 22 апрелга ўтар кечаси Ангрен дарёсида сув ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Натижада секундига 300—350 куб метр сув оқишига мўлжалланган 10-коллектор каналидан 900 куб метр ҳажмдаги сув ўзанидан тошиб кетди. Даҳшатли оқим гидроузел ёнидаги сув тақсимловчи бош дамбани ҳам ўпириб юборди. Зум ўтмай 400 куб метр ҳажмдаги сув далаларга, аҳоли пунктларига оқа бошлади.

Натижада Свердлов, Киров ҳамда Энгельс номли колхозларга катта зиён етди. Экин майдонларига сув тошди. Пахтаобод, Жалоир, Қизил шарқ, Ғалаботир аҳоли пунктларида хавфли вазият юзага келди. 120 дан ортиқ уй сув ичида қолди. Солдатский шаҳридаги 3-қишлоқ қурилиш комбинати. Солдатский луб заводи, экспериментал механика заводи, уй-жойлар, марказий стадион, истироҳат боғи, тегирмон ва бошқа кўпгина биноларни ҳам сув босди.

— Энг хавфли зоналарда истиқомат қилаётган 2250 киши олдиндан бехатар жойларга кўчирилган эди,—дейди район Совети ижроия комитетининг раиси В. А. Каломейцев.— Аммо вазият биздан тезда қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо этди. Биз тундаёқ сув тошиши мумкин бўлган ердаги 10 мингдан ортиқ аҳолини қўшни хўжаликларга ҳамда Оққўрғон районига кўчирдик. Оғир талафот бўлмади.

Айни пайтда ҳам айрим оилалар вақтинчалик бехатар жойларга кўчирилмоқда. Техника ва одамлар ёрдамида ўжар дарёни қайтадан изга солиш учун бутун чоралар кўрилмоқда. Тошқин юз берган ерларда ариқлар, каналлар қазилиб, сув орқага қайтарилмоқда, қирғоқлар мустаҳкамланмоқда. Дарё суви аста-секин ўз ўзанига тушаяпти.

Аммо асосий авария юз берган гидроузелда ва дамбаларда ҳали иш давом этяпти. Мана шу ердан тошиб ўтган сув 312 гектар пахта, 99 гектар каноп, 30 гектар маккажўхори, 118 гектар беда ва 135 гектар майдондаги бошқа экинларни пайҳон қилди. Жами район бўйича 1074 гектар ер тошқиндан зарарланди.

Айни пайтда район аҳолисига қўшни районлардан, областимизнинг барча корхона ва ташкилотларидан машина ва техника ёрдамга етиб келмоқда. 500 дан ортиқ машина ана шу асосий объектга тош, темир-бетон ва шағал ташимоқда.

Бу ерда ҳукумат комиссияси аъзолари, тошқин оқибатини бартараф этиш область штаби аъзолари ҳам сергак туришибди. Улар авария оқибатларини бартараф этишга бош-қош бўлишяпти.

ОҚҚУРҒОН. Бу ерда ҳам хавфли вазият юзага келди. Райондаги айрим майдонларга ҳам сув тошиш эҳтимоли бор. Бунга қарши зарур тадбирлар қўрилмоқда.

Бизга маълум қилишларича, шу кеча-кундузда Тошкент денгизига соатига 1 миллион куб метр ҳажмда сув оқиб келаяпти. Бу ўзўзидан ҳамма ерда уюшқоқлик билан ҳаракат қилишни, барча диққат-эътиборни Ангрен дарёси ва бошқа сув ҳавзалари қирғоқларини мустаҳкамлашга қаратишни талаб этади.

Авария содир бўлган зоналарда одамлар, техника тўхтовсиз ҳаракат қилмоқда. Улар табиий офат билан басма-бас келиб, уни бартараф этишмоқда.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ХАЛҚ ИЖОДИЁТИНИНГ II БУТУНИТТИФОҚ ФЕСТИВАЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЛАР КЎРИГИ

КУНИ КЕЧА Коммунистик район «Ленинский путь» колхози маданият саройида халқ ижодиётининг II Бутуниттифоқ фестивали доирасида уюштирилган оилавий ансамбларнинг «Аҳил оила билан биргаликда» деб номланган фестивали иштирокчилари ўз санъатларини намойиш этдилар.

Пардалар очилиб концертни олиб борувчилар Людмила Тружина билан Нигматилла Ҳожиқуловлар барча ансамбларни саҳнага таклиф этишди. Томошабинлар оилавий ансамбларни қарсаклар билан қарши олишди. Карнай-сурнай садолари остида фестиваль очиқ деб эълон қилинди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, оилавий ансамбларнинг аъзолари билан танишиб олдик. Шулардан бири Паркент районидан келган Эгамбердиевлар оиласидир. Бу ансамблга оиланинг каттаси 75 ёшли Иноят ота раҳбарлик қилади. Аъзолари эса унинг набиралари.

— Буларнинг ҳаммасига соз чалиш ва қўшиқ айтишни ўзим ўргатганман, — дейди уруш ва меҳнат ветерани Иноят ота фахр билан. — Умримнинг деярли олтмиш йили санъат билан ўтди, десам хато бўлмас. Кўпгина шогирдлар етиштирдим, ҳозир уларнинг ҳам ўз оилавий ансамблари бор. Бугун шу ерда улардан бир нечтаси қатнашмоқда. Шогирдларимни саҳнада кўрсам қувониб кетаман.

40 дан зиёд оилавий ансамбль иштирок этган бу фестиваль репертуари сермазмун ва замонавийлиги билан кўпчиликка маъқул тушди. Кўрикда Калинин районидан келган Қодировлар ҳамда Оржоникидзе районидан Алиевларнинг оилавий ансамбллари биринчи ўринни эгаллашди. Уларга фестиваль ўтказиш область ташкилий комитетининг биринчи даражали дипломи ва эсдалик совғалари топширилди. Тўрт оилавий ансамбль иккинчи ўрин, икки оилавий ансамбль учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Яна икки мукофотли ўрин томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинган эди. Бу ютуқларни бўстонлиқлик Нуримовлар ва олмалиқлик Останковлар оилалари қўлга киритдилар.

Шунингдек, фестивалда кўп мақол ва маталларни билиш бўйича томошабинлараро ўтказилган ёзма конкурсда томошабин М. Ғоирхўжаев ғолиб деб топилди.

Фестивалда иштирок этган барча оилаларга область ташкилий комитетининг миннатдорчилик хатлари топширилди.

М. ШАРИПОВА.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) паркентлик Эгамбердиевлар, олмалиқлик Останковлар ҳамда оққўрғонлик Мажидовлар оилавий ансамбларининг чиқишлари.

А. Зуфаров фотолари.

• СПОРТ •

◆ ВЕЛОПОЙГА. Италия йўллари бўйлаб велопойга бўйича кўп кунлик баҳорги анъанавий мусобақаларда киевлик Владимир Пульников биринчи, симферополлик Виктор Климов иккинчи ўринни эгаллади. Жаҳон велопойгасига тайёргарлик кўраётган совет спортчилари бу мусобақада яхши қатнашдилар. Жумладан тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов тўртинчи ўринни эгаллади.

◆ ЭШКАК ЭШИШ. СССР кубоги мусобақалари Одесса шаҳрида бўлиб ўтди. Республикамиз вакили Г. Шарофиддинова программанинг бир қатор турларида ғолиб келди. Жумладан 500 метрга бир кишилик байдарка баҳсларида маррага 2 минут 13,5 секунд натижа билан биринчи бўлиб келди. Икки кишилик байдарка эшиш мусобақаларида Т. Числова билан биринчи ўринга кўтарилди. Шунингдек, тўрт кишилик мусобақада ҳам биринчи ўринга сазовор бўлди.

◆ ВОЛЕЙБОЛ. Тошкентда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов хотира совғини учун Бутуниттифоқ турнири бўлиб ўтди. Ивановолик волейболчилар барча учрашувларда ғолиб келиб, бош соврин эгаси бўлдилар. РСФСР командаси иккинчи, республикамиз вакиллари учинчи ўринни олишди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ФОНДИДА АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА МАВЗУИДАГИ ҚУЙИДАГИ ФИЛЬМЛАР МАВЖУД

ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР:

Ўзингни қўлга ола бил.
Марийканинг тақдири.
Кирманг, ажал!
Сўнгги саҳифалар.
Ҳақиқат сари йўл.
Ксения Блаженная ҳақида ҳақиқат.
Арши-аълогача билет қанча туради?
Троян оти.
Муқаддас сув.
Вабо қўзғолони.
Иудадан мактуб.
Инжил, уйдирма, ҳақиқат.
Ака ва сингил.
Чеккадаги уй.
Оллоҳ муридлари.
Пайғамбарнинг ердаги шарпалари.
Маруся Богуславка.
Долларга таянган ошнолар.
Пастор сирғанчиқ йўлда.
Демак, худо йўқдир.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чаён.
Ари уяси.
Авлиё Юра тилсими.
Авлиё опа-сингиллар ҳаёти.
Авлиё Сергий.
Одамлар орасида ёлғиз.
Кутитан фожиаси.
Даҳонинг ёшлиги.
Авлиё Георгин байрами.
Ўзгалар гуноҳини сўраш.
Ўз тақдиримни излайман.
Сўнгги дақиқаларгача.
Борск осмонида булутлар.

ДАМ ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1-МАЙДА
«ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ»
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ЁЗГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Боғда сиз: эшкакли қайиқлар, сув велосипедларидан фойдаланишингиз, моторли қайиқлар ва катерларда сайр қилишингиз, карусель ва арғимчоқларда учиб дам олишингиз мумкин.

Боғ ҳузурида сув соҳилига жойлашган палата шаҳарчаси ташкил этилган.

Боғда сиз истаган вақтгача ҳордиқ чиқаришингиз мумкин.

Коллектив бўлиб дам олиш учун ҳақни пул ўтказиш йўли билан, шунингдек нақд пул билан тўлаш мумкин.

Чойхоналар, ресторан, буфетлар, киоскаларнинг ходимлари доим сизнинг хизматингизда бўлишади.

СИЗЛАРНИ «ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДА» КУТАМИЗ!

КВАРТИРАЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ

ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИНИНГ 64-МОДДАСИГА БИНОАН КВАРТИРА ҲАҚИ ЎТГАН ОЙ ЎЧУН ҲАР ЯНГИ ОЙНИНГ ЎНИНЧИ ЧИСЛОСИДАН КЕЧИКМАЙ ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ.

ЮҚОРИДА КЎРСАТИЛГАН МУДДАТДАН КЕЙИН ЭСА, ҲАР БИР КЕЧИКИЛГАН КУН УЧУН 0,1 ПРОЦЕНТ ҲАЖМИДА ЖАРИМА УНДИРИЛАДИ.

Квартира ҳақи уй-жой ташкилотларининг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Жумладан, агар квартира ҳақлари тўла ва ўз вақтида тўлаб борилса, уй-жой фондидан барча диққат-эътиборни Ангрен дарёси ва бошқа сув ҳавзалари қирғоқларини мустаҳкамлашга қаратишни талаб этади.

Турар-жой майдони ва коммунал хизмат учун ҳақ ўз муддатида тўланмаган тақдирда, у мажбурий тартибда нотариаль конторанинг ижро варақаси ёки халқ судининг қарори билан ундириб олинади.

Агар турар-жой майдони ва коммунал хизмат тўловларидан қарзингиз бўлса, Тошкент шаҳар меҳнат омонат кассалари орқали ўз қарзингизни узишингиз шарт.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ, ЎЗ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА УЧАСТКАЛАРИДА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА

ТОШКЕНТ ШАҲАР, ҲАМЗА РАЙОН, ШОЛОХОВ КЎЧАСИДА
ЯНГИ, ЗАМОНАВИЙ, УСТИ ЕПИҚ

«АВИАСТРОИТЕЛЬ» БОЗОРИ ОЧИЛДИ

САВДО ҚИЛУВЧИЛАР УЧУН МЕҲМОНХОНА, БУФЕТ, ЧОЙХОНА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛОВЧИ, СОВУТИШ ВА ОДАТДАГИ КАМЕРАЛАР, ГАРДЕРОБЛАР, ЮВИНИШ ХОНАСИ, ЮК ЛИФТЛАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

Бозор билан ёнма-ён саноат моллари ярмаркаси ишлайди.

ЯНГИ БОЗОРГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!
КОЛХОЗ БОЗОРЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Зебунисо**, 24/IV да **Ўғрини қароқчи ўрди.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —«ЙИРТҚИЧЛАР ОРАСИДА» **аттракционининг гастроллари** (19.30).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти коллективи институт кичик илмий ходими, тарих фанлари кандидати М. С. Тошмуҳамедовга отаси

Салоҳиддин ТОШМУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент Ленинград кўчаси, 32